



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil "19" mart

Қ-160 -сон

Termiz sh.

**Шеробод тумани В.Қодиров массиви
"Меҳрабод" маҳалласи худудидан "IMKON-
INVEST-PLUYS" МЧЖга енгил конструкцияли
"Иссиқхона" қуриш учун ер майдони ажратиш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 06 мартдаги 05-02/199-сон йиғилиш баёни, Шеробод тумани ҳокимининг 2020 йил 05 ноябрдаги 01-03/1481-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Шеробод тумани В.Қодиров массиви "Меҳрабод" маҳалласи худудидан "IMKON-INVEST-PLUYS" МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалиги харитасининг 353, 354 ва 355-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 39,0 балл бонитетли жами 11,40 гектар, шундан 11,0 гектар суғориладиган экин ер ва 0,40 гектар ариқ ва зовурлар ер майдонлари енгил конструкцияли "Иссиқхона" ташкил этиш учун вақтинча (10 йил муддатга) фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. "IMKON-INVEST-PLUYS" МЧЖ бошлиғи М.Беккелдиевага:

иссиқхона учун ажратилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузурадги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий

назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузурадги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов